

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



**Yilgi**  
Ўтган йили Жиззах вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улуши 80,1 фоизга тўғри келди. Бунда уларга яратилган қатор имтиёз ва молиявий энгилликлар муҳим омил бўлмоқда.

## «Ягона дарча» хизматлари манзур

— Жорий йил бошидан тадбиркорлик субъектларини электр тармоқларига улаш тартиби янада соддалаштирилди, — дейди бахмаллик тадбиркор Сайфулла Аҳмедов. — Эндилда тадбиркорлар объектни электр тармоқларига улаш учун тегишли ариза ва ҳужжатларни «Ягона дарча» марказига тақдим этишса кифоя. Марказга берилган ариза электр таъминоти ташки-

лотига йўналтирилади. Олинган жавоб асосида тадбиркор объектни электр тармоғига улаш тўғрисидаги шартномани тузиш имконига эга бўлади. Хозирда «Ягона дарча» марказлари орқали вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари учун 16 турдаги хизмат йўлга қўйилган.

Абдуманнон АЗИМОВ,  
«Ishonch» мухбири

**Кумқўрғон туманидаги «Режаб полвон» фермер хўжалиги ҳар йили пилла, галла, пахта етиштиришда илғорликни қўлдан бермайди.**

## Фаолият кенгайтирилмоқда

Хўжалик раҳбари Бахтиёр Абдуллаев ўтган йили касабаси уюшмалари томонидан ўтказилган «Энг фаол ёш мутахассис» кўрик-танловининг «Энг фаол ёш фермер» йўналишида фахрли 1-ўринни эгаллаганди.

Яқинда фермер чорвачиликни ривожлантириб,

ички бозорга гўшт, сўт маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида хорижий давлатдан бир нечта зотли қорамол келтирди. Натижада, 2 нафар коллеж битирувчиси доимий иш жойига эга бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«Ishonch» мухбири

**Кармана туманининг «Камолот» маҳалласида янги тикув цехи иш бошлади. Банкдан олинган имтиёзли кредит эвазига 8 та тикув машинаси харид қилиниб, фаолият йўлга қўйилди.**

## Маҳаллада замонавий тикув цехи

Хозирда цехда 12 турдаги кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Натижада, маҳаллада яшовчи 6 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

— Маҳалламизда очилган цехга ишга қабул қилинган. Бундан жуда хурсандман. Хозир аёл-

лар ва болалар учун кийимлар тикяпмиз, — дейди цех ишчиси Мухлис Рўзиева.

Жорий йил охиригача оилавий қорхона фаолиятини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ниятида.

Илҳомбек ҲАЙИТ

## Оммавийлик сари

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида «Соғлом оила» шиори остидаги спорт мусобақаларининг иккинчи босқичи қизғин руҳда давом этмоқда.



## Соғлом оила — соғлом жамият

Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган мусобақа қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортга жалб этиш, спорт билан шугулланишни кундалик турмуш тарзига айлантиришга қаратилган. Унда 35 жамоа таркибида 70 оила иштирок этди.

— Мусобақанинг дастлабки босқичи 72 бошланғич ташкилотда бўлиб ўтди, — деди тармоқ касабаси уюшмаси Нукус шаҳар кенгаши раиси Улзода Аювмуратова. — Уларда иштирок этган 360 жамоа таркибида 2 минг 520 нафар ҳаваскор спортчи ўзаро куч синашди.

Натижаларна кўра, 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулмира Сатбоева ҳамда 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азамат Шилманов оилаларидан таркиб топган жамоа аъзолари биринчи ўринни эгаллади ва мусобақанинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўланмани қўлга киритди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.  
Мақсад Хабибуллаев (ЎЗА) олган сурат

Ёш авлод ўртастида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ходимларда ўз саломатлигига масъулият

ҳиссини шакллантириш мақсадида ташкил қилинган мусобақаларда барча тармоқ аъзолари ғолиблик ва учинчи босқич йўланмалари учун астойдил кураш олиб бормоқда.

Ана шундай мусобақалардан бири пойтахтимиздаги 24-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилди. Саралаш босқичида ғолиб чиққан ўн бир оила таркибида ўттиздан ортик ходим ва уларнинг оила аъзолари беллашувларга пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш қилишди.

«Чақонлик ва мерганлик», тезлик, эпчиллик, бир жамоа эстафеталари, арқон тортиш мусобақаси, «Моҳир

хужумчи», «Каддимизни ростлаймиз, сакрашни боппаймиз» каби шартлар асосидаги бахслар барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Мусобақанинг биринчи босқичи ҳам бугунгидай уюшқоқлик ва байрамона руҳда кечганди. Тармоқ тизимидаги спартакиадалар спортга бўлган қизиқиш ортиб, тобора оммавийлашиб бораётганини кўрсатди. Бу борадаги ишларимизни йил давомида ривожлантириб боришни режалаштирганмиз, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Бектемир туман кенгаши раиси Нигора Тожиева.

▲(4).

## Мусохаба

### Муқобил манба мақбулликлари

Юртимизда энергетика соҳаси, хусусан, муқобил манбалари янада ривожлантириш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобидан унинг қувватларини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, кўш энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга оид муҳим ташкилий ва амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мавзу юзасидан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти бўлим mudiri, академик Роман ЗОХИДОВ билан суҳбатлашдик.



— Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мамлакатимизда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган, — деди олим. — Ушбу ҳужжатда дунё тажирибаси инobatга

олинган ҳолда, илгор илмий-техник даражадаги тадқиқот ва тажириба-саноат ишланмаларини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳа учун замонавий ускуна ва янги технологияларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифалари белгиланган.

▲(3).

## Муносабат

Президентимиз томонидан тасдиқланган «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади» деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб гоияни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустақамлаш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, оила институтини мустақамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

## Аёл бахтли бўлса...

Чунинчи, тиббиёт тизимида амалга оширилажак улкан ишлар, қаторида хотин-қизларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш борасида амалга ошириладиган кўплаб хайрли ишлар ҳам қайд этилган. Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётганларнинг 80 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам зиммасидаги ишлар нақадар салмоқли эканидан далolat беради.

Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлардан кўзланган мақсад Президентимиз эътироф этган соғлом болани дунёга келтирувчи шахс — онанинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришдир.

Оруз-мақсадлари юрт келажиги ва раванқиб билан муштарак фидойи, қуончак аёлларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ва қўлаб-

қувватлаш касабаси уюшма фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Комиссиямиз тармоқда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги маъқеини ошириш, меҳнат бозоридagi рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, иш берувчининг адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва саломатлигини тиклашда фаол қатнашмоқда. Ишловчи аёлларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданиятини ошириш, маданий-маърифий йўналишлардаги тадбирларда иштирок этиш имкониятларининг кенгайтирилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани бугун ўз самарасини бераётди.

▲(2).

## Туризм

### Ўзбекистон — афсонавий диёр

Туризм соҳаси мустақиллик йилларида чинакам ривожланиш йўлига кирди. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти тобора юксалиб, бири-бирдан муҳташам меҳмонхоналар, дам олиш масканлари барпо этилди. Янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилиб, сервис яхшиланмоқда.

Қадимги Хитойдан Римгача бўлган Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган юртимизнинг буюк тарихи, жаҳон тамаддуни ва илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси, кўҳна тарихий-

меъморий, маданий ёдгорликлари ва бутун дунё тан олган алломалари ҳамда энг муҳим жиҳат — халқимизнинг бағри кенглиги барча-барчани оҳанрабо каби ўзига тортмоқда.

Сайёҳлик индустрияси ривожланган мамлакатлар тажирибасидан маълумки, халқаро туризмдан келадиган фойда автомобил ва нефтгаз саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистон эса туризм ва тарихий ёдгорликлари бўйича етакчи мамлакатлар ўнлигидан жой олган. Мамлакатда тўрт мингдан ортик тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ЮНЕСКО-

нинг жаҳон дурдоналари рўйхатига киритилган.

1993 йилда мамлакатимизда бор-йўғи бешта туристик фирма ва компания фаолият юритган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони мингдан ошди. Албатта, транспорт хизмати яхшиланган, янги-янги темир йўللар ва ҳаво йўлларининг очилиши, меҳмонхона хизматидаги қулайликлар сайёҳлар сонининг янада кўпайишига хизмат қилмоқда. Қолаверса, юртимизда йилнинг исталган фаслида сайёҳларнинг кўнгилли хордиқ чиқариши учун барча имконият мавжуд. Айни вақтда 550 га яқин туроператор ва агентликлар, қарийб 500 та меҳмонхона ишлаб турибди.

▲(4).

## Мини-футбол



### Жаҳон чемпионати йўлланмаси

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси «Осиё чемпионати — 2016» чорак финал учрашувида ироқлик рақибларига қарши тўп сурди

Учрашувда вакилларимиз 3:0 ҳисобида зафар қучди ва Колумбияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Таъкидлаш ўринлики, мини-футболчиларимиз биринчи маротаба бундай

йўлланма соҳибига айланишди. Голларга Дилшод Раҳматов (18-39-дақиқалар) ҳамда Нодир Элибоев (31-дақиқа) муаллифлик қилди. Энди вакилларимиз ярим финал учрашувини 19 февралда Таиланд тер-

ма жамоасига қарши ўтказишади. Умид қиламизки, футболчиларимиз мазкур беллашувда ҳам галаба қозониб, мухлисларимизга қувончли лаҳзаларни ҳаёда этишади.

Ўз мухбиримиз



# Аёл бахтли бўлса...



**Ў(1).** Яқинда Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг янги таркибдаги Хотин-қизлар комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2015 йилда амалга оширилган ишлар, 2016 йилга белгиланган устувор вазифалар муҳофазат қилинди.

Тармоқ Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган тармоқ келишувига асосан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари малакасини ошириш ўқув дастурига "Касаба уюшмалари тизимида тақомиллаштириш жараёнлари", "Касаба уюшмалари билан иш беришнинг ўртасида ижтимоий шериклик тамойиллари", "Меҳнат қончилиги, меҳнат муҳофазаси масалалари" бўйича ҳар бир гуруҳ учун 8 соатлик семинар ўтказиб келинмоқда. Икки йилдан бери бу семинарлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари бош хамширалари учун ҳам татбиқ этилди. Яна бир муҳим жиҳат, ўқув масофавий ўзлук-

сиз малака ошириш тизими орқали ташкил этилаётганидир. Сўнгги уч йилда 735 нафар иш беришчи ва раҳбарликка захирага олинган кадрлар, 412 нафар олий маълумотли ва бош хамшираларнинг мавзуга оид малакасини оширилди. "Фаол, ўзлуксиз, масофавий электрон малака ошириш" тизими орқали иш беришчи ва раҳбарликка олинган 400 нафар кадрлар, 120 нафар касаба уюшма фаоллари ўқув ташкил қилинди. Худудларда 778 нафар ДПМ раҳбарлари, кадрлар бўлими бошликлари ва нозирлари, меҳнатни муҳофазат қилиш хизмати муҳандислари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллари, касаба уюшма қўмитаси раислари учун маҳорат дарслари ўтказилди.

Тармоқ Хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси айни вақтда жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизадан ўтказиш комиссияси раиси сифатида Республика кенгашига тақдим этилган 102 та жамоа шартномаси лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда иштирок этди. Янги тузилаётган жамоа шартномалари

лоийҳаларини Бош келишув ҳамда тармоқ келишувига мувофиқлаштиришга, бунда "Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар" бандида белгиланган имтиёзлар киритилишига эришилди. Қолаверса, Меҳнат кодексининг қатор моддалари асосида қўшимча кафолатлар, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш борасида қўшимча имтиёзлар, кафолатлар жамоа шартномаларида ўз аксини топаётган айни мuddао бўлмоқда.

Этироф этиш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятининг юксалаётгани уларнинг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини тарафдорлиги билан ҳам кўзга ташланмоқда. Буни мурожаатлар мазмунидан ҳам сезиш мумкин. Республика кенгашига ҳуқуқий масалалар юзасидан келган 137 та ёзма мурожаатдан 63 таси аёл ходимларга тегишли бўлиб, ижобий ҳал этилди. Жумладан, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани тиббиёт бirlашмаси гинеколог

шифокори Х.Азимова ва уч нафар ходими, Тошкент вилояти Ўсма касалликлар диспансери хамшираси М.Юсупова ўз ишига тикланди. Шунингдек, 12 нафар касаба уюшма аъзосидан тушган мурожаатларга кўра Республика кенгаши раёсати қарори асосида моддий ёрдам кўрсатилди. Тошкент шаҳрида яшовчи 1-гуруҳ ногирони С.Плешакова моддий қўллаб-қувватланди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Хотин-қизлар саломатлигини мустақамлаш масаласи ҳам диққат-марказимизда. Узоқ йиллар тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилган ҳамда тизимда ишлаётган эҳтижманд 199 нафар аёл санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Шунингдек, аёлларни спортга жалб этиш орқали улар саломатлигини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Касаба уюшмалари томонидан уюштирилётган спортмайдонларида иштирок этаётган аёллар сони йил сайин ошяпти. Хотин-қизлар меҳнат қилаётган корхоналарда ишлаб чиқариш гимнастикалари татбиқ қилинганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда. Айни кунда барча меҳнат жамоаларида «Соғлом оила» мусобақалари кенг миқёсда ташкил этилаётир.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 29 январдаги Жайбат йиғилишида 2016—2018 йиллар учун қабул қилинган тармоқ келишувининг бандларига 25 та қўшимча ва ўзгартиш киритилди.

Комиссия ўз иш режасини ЎзКУФК Хотин-қизлар кенгашининг иш режасига мувофиқлаштирилган ҳолда тасдиқлади. Кенгаш томонидан янги тузилган жамоа шартномаларини экспертиза қилиш жараёнида ЎзКУФК Хотин-қизлар кенгаши томонидан "Жамоа шартномаларига киритиш учун ишловчи хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга оид тавсия"ларининг акс эттирилишига эришилди, бунда тиббиёт соҳасида фаолият олиб бораётган нодавлат ташкилотларда хизмат қилаётган аёллар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериш белгилаб олинди.

Давр аёлларимизнинг кўзига қараб кўнглини ўқийдиган даражада зийрак бўлишимизни тақозо этаётди. Зеро, аёл — жамият тўқо ва оила қароғонидир.

**Гўзал ТОХТАЕВА,**  
Соғлиқни сақлаш  
ҳодимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгашининг  
Хотин-қизлар комиссияси  
раиси

## Академик Саид Шермухамедов



Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, фалсафа фанлари доктори Саид Шермухамедов 2016 йил 16 феврал куни 86 ёшида вафот этди.

С.Шермухамедов 1930 йил 12 майда Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида туғилди. 1948—1953 йилларда Самарқанд давлат университетиде таълим олди. Ҳақиқий тугатиб, ушбу университет аспирантурасида таҳсилни давом эттирди. Фалсафа фанининг долзарб масалалари бўйича 1960 йилда номзодлик, 1974 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргаликда олиб борган таникли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, илмий котиби, директор ўринбосари, республика маориф вазирлиги, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудири каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилди ва юртимизда фалсафа фанига доир масалаларни илмий тадқиқ этиш, ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишида фаоллик кўрсатди. С.Шермухамедовнинг фалсафа фанининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган монографиялари, қўллаб-рисола ва мақолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонқур устоз сифатида қўллаб-ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган захматқаш олимнинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган. Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саид Шермухамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

**И.Каримов, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, Ш.Мирзиёев, Ш.Солихов, Ш.Сирожиддинов**

### Ўқув-семинар

## Фермер — масъул шахс

**Шовот туманида янги ташкил этилган "Сафо Рўздат" фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдулла Улликбойев фермерлик фаолиятини самарали йўлга қўйишни бу соҳада етарлича тажриба орттирган ҳамкасбларидан ўрганишга ҳаракат қилмоқда.**

Дарҳақиқат, фермерлик ўзига хос масъулият талаб қилади. Бугунги фермер деҳқонгина эмас, кўпчиликка бош, иш беришчи ҳам. Шундай бўлса, у меҳнат қонунчилигини яхши билиши, уларга амал қилиши лозим. Шу кунларда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши томонидан вилоят фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда барча туманларда ташкил қилинган семинар-тренинглар Абдулла каби юзлаб фермерлар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда.

— Макссадимиз фермер хўжалиқларида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини йўлга қўйишда иш беришчи ва касаба уюшма ҳамкорлигини кучайтиришдир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекжонов.

Шовот туманида ўтказилган семинар-тренингда "Қишлоқ хўжалигида ишлар ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича фермернинг мажбуриятлари ва қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиш", "Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фермер хўжалиқларида меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартиш ва бекор қилишни расмийлаштириш, меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби", "Фермер хўжалиқларида фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини йўлга қўйишда иш беришчи ва касаба уюшмасининг ҳамкорликдаги ишлари" мавзуларида маърузалар тинланди.

Фермерлар ўзларини қизиқтирган қўллаб-саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Муҳаббат Тўрабоева,**  
"Ishonch" мухбири

### Давра суҳбати

## Эртамиз эгаларига эътибор

**Миришкор туманидаги "Жейнов пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида ёш ходимларнинг меҳнат қончилигига доир билимини ошириш мақсадида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ўтган йиллар давомида Меҳнат кодексига киритилган ўзгартишлар, ёшларга оид имтиёзлар тўғрисида сўз юритилди.**

— Мамлакатимиз меҳнат қончилиги олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшларга кенг имконият яратди, — дейди Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси Ёшлар кенгаши раиси Бобомурод Хўжаёров. — Мисол учун, битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни иш беришчилар томонидан сунъий ва асосиз равишда ишдан бўшатилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган меъёrlар санокли давлатлар қончилигидагина акс этган. Ҳар йили битирувчи ёшлар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг иш билан таъминланиши бўйича мониторинг олиб борилаётгани, бу жараёнда давлат идоралари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмаларининг фаол иштирок этаётгани, айниқса, диққатга сазовор. Бундан ташқари, ёшларнинг меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги билимини ошириш мақсадида тизимли равишда турли тадбир ва танловлар ташкил этиб боришмоқда.

Давра суҳбати чоғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган буклет ва қўлланмалар тарқатилди.

Шу мавзудаги суҳбатлар тумандаги 8-, 9-, 12-умумтаълим мактаблари, Миришкор иқтисодий касб-хунар коллежи, "Агротехсервис" МЧЖ каби ташкилотларда ҳам ўтказилди.

**Акмал АБДИЕВ,**  
"Ishonch" мухбири

## Ёшлар учун кафолатланган меҳнат

Фаргона вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши Адлия бошқармаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда Олтириқ тумани тиббиёт бirlашмасида фаолият юритаётган ёш ходимлар ўртасида "Ўзбекистон Республикасида ёшлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Унда касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши меҳнатқиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Х.Мамазиева, Адлия бошқармаси вакили Х.Нишонов, туман бандликка қўмақлаштириш маркази ҳуқуқшуноси И.Камолов, тиббиёт бirlашмаси ҳуқуқшуноси А.Фоилов қатнашди.

Тадбирда иштирокчиларга Меҳнат кодексининг тегишли моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, қонунчиликда яратилган имтиёзлар хусусида атрофлича тушунтириш берилди.

**Ўз мухбиримиз**

### Касаба уюшма ҳаёти

**Бухоро муҳандислик-технология институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма ташкилоти жамоаси Соғлом она ва бола йили муносабати билан бир қанча тадбирларни режалаштирди.**

## Ҳамкорлик мустақамланмоқда

Унга кўра, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, 11-сон шаҳар марказий тиббиёт шифохонасининг малакали шифокорлари томонидан барча педагог ходим ва ишчилар бепул тиббий кўридан ўтказилди.

Касаллик белгилари аниқланган ходимларга "Соғлом авлод учун" хайрия жамоат фонди томонидан 3 млн. сўмлик дори-дармон хайрия сифатида тарқатилиб, муолажа тавсиялари берилди.

— Ҳамкор ташкилотлар билан белгиланган режаларимизга асосан феврал-март ойларида талабаларни тиббий кўридан ўтказиш чора-тадбирларини келишиб олдик, — дейди институт касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Дулло Очиллов.

Жамоа аъзоларининг соғлиги йўлидаги бундай гамхўрликдан барча мамнун.

**Иzzатулла ҲОЖИЕВ,**  
"Ishonch" мухбири

### Жамоа шартномаси — амалда

Жамоа шартномалари самарадорлиги орттиришга муносиб равишда ходимларга бериладиган имтиёзлар ҳам кенгайиб бораверди. Бинобарин, жамоа шартномаси иш беришчи ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи юридик қучга эга меъёрий ҳужжат иқтисодий ўсиш бўлган жойдагина ўз самарасини тўлиқ намойён этиши мумкин.

## Ҳамжиҳатликда гап-кўп

муҳокамагача аъзолар таклифи ўрганиб чиқилади

«Тахиятошдонмаҳсулотлари» АЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси 2013—2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, унда меҳнат шароити, ижтимоий-иқтисодий муҳофазат, соғломлаштириш, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш каби кўплаб масалалар ўз ифодасини топан. Ҳар ярим йилда жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича ўтказиладиган умумий йиғилишда аъзоларнинг таклифлари ўрганиб чиқилади. Муаммолар ечим маъмурият билан ҳамжиҳатликда келиши олинадди. Иш беришчи билан касаба уюшма раиси ўртасидаги уюшқоқлик, кўтарилган масалаларга оқилона муносабатда бўлиш бугун ўз самарасини бермоқда. Ўтган даврда ишлаб чиқариш жараёнида шикастланиш, касб қасаллигига чалиниш ҳолати содир бўлмади. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси бўйича профилактик тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Жамоаимизда сўнгги тўрт йилда бирорта ҳам меҳнат низоСИ юзасидан шикоят тушмаганлиги ҳам ишлар қандай йўлга қўйилганлигининг тасдиғи дейиш мумкин.

Жамоаимизда меҳнат қилаётган 360 нафар аъзо манфаати доим эътиборимизда. Хўжайли туман «Найман» ширкат хўжалиги худудда ташкил этилган ёрдамчи хўжалигимизда 130 бош йирик шохли қорамол боқилмоқда. Деярли ҳар кун 70 бош сигирдан олинаётган сут ноқулай шароитда ишлаётган ходимларга бериб борилади.

Ўтган йили 4 нафар ишчи аёлларимиз қатори, корхонада фаолият кўрсатиб пенсияга чиққан 2 нафар нуроний онахонга ҳам юртимизнинг сўлим гўшаларидаги оширилди. Жамоаимизда сўнгги тўрт йилда бирорта ҳам меҳнат низоСИ юзасидан шикоят тушмаганлиги ҳам ишлар қандай йўлга қўйилганлигининг тасдиғи дейиш мумкин.

Жамоаимизда меҳнат қилаётган 360 нафар аъзо манфаати доим эътиборимизда. Хўжайли туман «Найман» ширкат хўжалиги худудда ташкил этилган ёрдамчи хўжалигимизда 130 бош йирик шохли қорамол боқилмоқда. Деярли ҳар кун 70 бош сигирдан олинаётган сут ноқулай шароитда ишлаётган ходимларга бериб борилади.



муҳокамагача аъзолар таклифи ўрганиб чиқилади

Утган йили 4 нафар ишчи аёлларимиз қатори, корхонада фаолият кўрсатиб пенсияга чиққан 2 нафар нуроний онахонга ҳам юртимизнинг сўлим гўшаларидаги оширилди. Жамоаимизда сўнгги тўрт йилда бирорта ҳам меҳнат низоСИ юзасидан шикоят тушмаганлиги ҳам ишлар қандай йўлга қўйилганлигининг тасдиғи дейиш мумкин.

Жамоаимизда меҳнат қилаётган 360 нафар аъзо манфаати доим эътиборимизда. Хўжайли туман «Найман» ширкат хўжалиги худудда ташкил этилган ёрдамчи хўжалигимизда 130 бош йирик шохли қорамол боқилмоқда. Деярли ҳар кун 70 бош сигирдан олинаётган сут ноқулай шароитда ишлаётган ходимларга бериб борилади.

ришга ихтисослашган цехларимиз хизмати кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бугун ифтихор билан айтишимиз мумкинки, ишчиларимизга яратилаётган муносабат иш шароити унмдорлигининг ошиши ва ойлик иш ҳақининг кўпайишига замин яратмоқда. Жорий йилда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари якунланади. Акциядорлик жамиятида олиб бориладиган реконструкция ишлари, ўйлаймизки, махсулот сифатини бундан-да яхшилашга хизмат қилади. Корхонаимизнинг экспорт имкониятини ошириш жамоаимизнинг олдида қўйган эзгу мақсадлардан биридир.

Женгисбой АЛИМОВ,  
«Тахиятошдонмаҳсулотлари» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

### Жараён

## Бунёдкорлик йўлида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Амударё спорт-соғломлаштириш маркази" худудда 200 ўринга мўлжалланган болалар соғломлаштириш марказини ташкил этиш, кичик ҳовузлар қуриш каби аҳолига хизмат қилувчи махсус шохобчалар барпо қилиш режалаштирилган бўлиб, айни кунларда умумий ер майдони 6,5 гектарлик худудда иш қўзғин. Марказда қад ростлайдиган 50 ўринли соғломлаштириш профилактикарийсиз зонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

— Қурилиш ЎзКУФК тизимидаги "Касабақурилиштар" шўба корхонаси томонидан амалга оширилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бirlашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов.

Қурилишга жами 130 нафар қурувчи ҳамда 10 та замонавий техника жалб этилган. Лойиҳада белгиланган ишлар шу йил декабр ойигача ниҳоясига етади.

**Ўз мухбиримиз**



Муқобил манба мақбулликлари

Бу борада Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари маблағлари...

Ишларнинг амалий фодаси қай тарзда кечмоқда?

Хукуматимиз ва Осиё тараққиёт банки ўртасида 2011 йил март ойида имзоланган Узаро англашув меморандуми...

чилар, биринчи навбатда, фермер хўжалиқларига муқобил энергетика маҳсулотлари етказиб бериш бўйича қиймати 2,6 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Ўзбек олимларининг илмий изланишлари хусусида ҳам айтиб ўтсангиз...

Юртимиз олимлари турли мақсадларга мўлжалланган геолиттехник қурилма ва ускуналарни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон тенденциялари инновацияларни янада ривожлантириш учун махсус ижтимоий йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Жаҳон тенденциялари инновацияларни янада ривожлантириш учун махсус ижтимоий йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

Юқори ҳароратли материал-носиллик кўйиб энергиясидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Зеро, буларнинг барчаси мамлакатимиз энергетика мустақиллигини таъминлаш, умуман, иқтисодий қудратини янада оқсатириш ва Ватанимизни тараққий эттиришга хизмат қилади.

«Ishonch» мухбири Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «ОАВларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилишининг боришини ёритишга, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун қўжжатлар қабул қилиш бошланганлигини эълон қилади

Кўйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг амалга оширилишининг бориши ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг соғлом фарзандни тарбиялашдаги ролини ошириш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадиган аниқ мисолларга асосланган махсус телекурслар ва радио эшиттиришлар, мақолалар, репортажлар тайёрлаш.
2. Ижтимоий аҳамиятга молик давлат дастурларини, жумладан, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини иштирокини ёритиш.
3. 2011, 2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган, давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштиришга қаратилган тузатишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиш ва аҳамияти ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиш.
4. Давлат органлари томонидан қабул қилинаётган, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор қарорлардан аҳолининг, фуқаролик жамияти институтларининг хабардорлигини ва кенг фойдаланишини таъминлаш.
5. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг ўз вақтида ва сифати ижро этилиши, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қўшма ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.
6. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаолигини ошириш, жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолиси турли қатламларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш борасида жойлашган давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ишловларнинг амалга оширилиши ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш.
7. Жамиятга юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатлараро ва динлараро тотувчиликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда намунали маҳаллаларнинг иш тажрибасини оммалаштириш.

В. Ҳудудий ОАВларда мамлакатни ижтимоий-сиёсий ҳақида социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича сиёсий партияларнинг нуктаи назарини очиб берадиган, парламентдаги сиёсий партиялар фракцияларининг, халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолияти ҳақида хабардор этадиган таҳлилий материаллар тайёрлаш.
9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ҳақиқат «Электрон ҳукумат тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси қонуларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, жойларда ушбу қонулар нормалари амалга оширилишининг бориши, фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчилик хабардор қилиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- 1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низоми) нусخаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномалари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин. Битта лойиҳа учун ажратилган грант суммаси миқдори — 25 млн. сўмгача.
Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юборилган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб қилиш» мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун қўжжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади

Кўйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаолигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва соҳаларида аёллар фаолиятини муносиб рағбатлантириш, аёлларнинг ўз имкониятларини рўйбега чиқариш ҳамда қундалик уй меҳнатини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.
2. Қиз болаларнинг — бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, уларда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, келажақда соғлом ва мустақкам оила қуришининг асосий шарти сифатида қатъий ҳаётий позицияни ва мустақил фикрлашни шакллантириш.
3. Мустақкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳ тузишдан олдин тиббий қўриқдан ўтишни муҳимлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотни аҳолининг кенг қатламлари оғирга етказиш.
4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санатория ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психологик аҳолини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рақсонлиги сифати ва калориялигини таъминлаш масалалари юзасидан кенг ахборот-тушунириш ишларини ўтказиш.
5. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва рағбат топётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган амалий тадбирларни амалга ошириш.
6. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шартини сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, эр-хотун, ота-оналар ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасида, қўшнилар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эзгулик ва меҳр-муҳаббат муҳитини яратишга кўмаклашиш.
7. Жисмонан соғлом, маънан етук ва барқамол

авлодини тарбиялаш, азалий миллий қадриятларни сақлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда юксак ахлоқ муҳитини қарор топтиришда оиланинг ролини кучайтириш.

В. Оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қўшма ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

- 1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати;
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин. Битта лойиҳа учун ажратилган грант миқдори — 25 млн.сўмгача.
Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди» номига «Ўзбекистон почтаси» орқали юборилган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қўйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Мавзуга қайтиб

Селфи атамаси бугунги кунда ҳеч ким учун янглик бўлмай қолди. Унинг қаердан пайдо бўлганини нима маъно англатишига ҳам ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз. Чунки биз учун муҳими, бу селфи келтириб чиқараётган салбий оқибатлар ва бунинг олдини олиш масаласидир.

Селфи: касалликми ёки такаббурлик?



Пойтахтимизнинг Фафур Фулом метро бекати яқинида ҳар доим гавжум бўладиган «Тулзор» майдонида бир воқеага гувоҳ бўлдим. Дугонасига қўл телефонига акс этирилган расмларини кўрсатаётган ёш она бу юмушга берилиб кетганидан аравачадаги 7-8 ойлик гўдагини ҳам эсдан чиқараётгандай чамаси. Дугонаси ҳам ўтган-кетганга парво қилмай баланд овозда «Вой, буни қаерда тушдинг? Мана бу расмда ўзингга ўхшамай қўлибсан, вой, мана бу расмнинг манга жуда ҳам ёқди», дея «селфини мамашани» руҳлантирди. У эса дугонасини янада қўйиб қолдириш учун ҳаяжонга тўлиб, телефонидан ўзини-ўзи туширган янгида-янги расмларини қўришга киришиб кетди.

Селфи тузоғи

Болакай ётган аравача қияликка яқин жойда тургани боис кўз оқиб-юқунча пастга «шўйғий» бошлади. Ён-атрофдаги одамлар «хай-хайлаганча» қотиб қолишди. Уткинчи йигит чаққонлик қилмаганидан аравача мувозиратини йўқотишига бир баҳа қолганди. Энг қизиғи, селфинингача дучор бўлган она ҳам, унинг дугонаси ҳам бу воқеани англаб улгурмади ҳам. Қачонки, кекса бир онахон: «Эй, болангизга қарасангиз бўлмайдими?», дея «селфини мамашани» турткилагандан сўнгинга у ўз оламини қайтди.

Ушбу мавзуга чуқурроқ ёндашиш мақсадида руҳшунос З. Шароповага мурожаат қилдик. У айнан катта ёшдагиларнинг селфинингача дучор бўлишини қўйидагича изоҳлади:

— Инсон психологиясида, айниқса, унинг ёши ўта бошлагач, турли ўзгаришлар юзга келади. Кўпчилик ташқи кўринишдан қониқмаслиги сабабли аввал телефонига ўзини расмга олиб, шу орқали камчиликларини қидира бошлайди ва топди. Қўёқасидаги бор нуқсонлари қандай ҳолатда турганда яққол сезилмаслигини билиб олган, ўша маъқул тонган кўринишда расмга тушган, сўнгга ўз қўёқасидан қониқиб ҳисси пайдо бўлади. Энди бундай кишилар ойнада намоён ақидан кўра, қўл телефонига тушган суратларини афзал билади ва бу бора-бора селфинига тобеликни юзга келтиради. Чунки, энди у фақат ўзи олган суратлардагина бекам куёт эканлигини, бу эса унинг кайфиятига мос тушишини яхши билади. Шу тарих орамиздаги айрим катта ёшли одамлар ҳам селфининг «тузоғи»га тушиб қолашади.

Биз бу ҳолатга бир сўз билан «ўзидан қониқмаслик касаллиги», дея баҳо берамиз, ўзидан ноҳияда қониқадиганлар, яъни барчанинг доимий эътиборида юрган, ташқи кўриниши ҳам бийовийдек (гарчи, ундайларнинг айримлари пластик жарроҳликнинг «каромати» тўғрисида гузаллаштирилган бўлса ҳам) шундай одамлар ҳам селфининг «тузоғи»га тушиб қолашади.

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўйидагиларни маълум қилади

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 4 сентябрдаги 157 к-ПО-сонли буйруғига асосан, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очiq аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳар, Ышанбод тумани, Тузел-1 мавзесида жойлашган, қурилиш тугалланмаган поликлинника биноси аукцион савдоларидан олиналганини маълум қиламиз.

АСОС: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 10 февралдаги 06/139-сонли хати ва 2016 йил 4 февралдаги 14 к-ПО-сонли буйруғи.
МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамши-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26.
Лицензия: RR-0001

